



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 8 СОН

# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 8

# LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 8



ТОШКЕНТ-2020

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**"Ўтмишга назар" илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Кебадзе Мадонна**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Бурдиашвили Майя**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Кожакеева Ляззат Темировна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети, Қозоғистон Республикаси*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети*

**Зияева Доно Хамидовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Аширов Адхам Азимбаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчехра Азизовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**

*тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент. Ўзбекистон  
давлат жаҳон тиллари университети*

**Рахмонкулова Зумрад Бойхураевна**

*Тарих фанлари номзоди, доцент  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Махкамов Қодиржон Одилжонович**

*PhD, катта ўқитувчи  
Наманган давлат университети*

**Ғофоров Шокир Сафарович**

*тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат тиббиёт институти*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**

*Тарих фанлари доктори, профессор  
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

**Теймураз Ахалмосулишвили**

*профессор, Телавский государственный  
университет, Грузия*

**Халикова Рахбар Эргашевна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Кобзева Ольга Петровна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Одилов Абдор Анварович**

*тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Саипова Камола Давляталиевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**

*тарих фанлари номзоди, профессор,  
Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия  
академияси, Қозоғистон Республикаси*

**Толипов Файзулла Сандович**

*тарих фанлари номзоди, доцент  
Тошкент давлат техника университети*

**Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич**

*PhD, доцент  
Наманган давлат университети*

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)

ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


<b>1. Зухра Арипова</b> МИСРДА МАМЛУКЛАР ДАВРИ (1250-1517) АРХИТЕКТУРАСИНИНГ ҲОМИЙЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	4
<b>2. Шавкат Амонтурдиев</b> МАРКАЗИЙ ОСИЁ КЎЧМАНЧИ ХАЛҚЛАРИНИНГ СИЁСИЙ БИРЛАШИШИДА ТАБИЙЙ ОМИЛЛАР.....	13
<b>3. Махбуба Баратова</b> КИБЕРМАКОН ШАРОИТА ДИНИЙ ДУНЁҚАРАШ.....	20
<b>4. Шухрат Бозоров</b> АҲМАД ДОНИШ МАЪРИФАТПАРВАР ВА ЖАМОАТ АРБОБИ.....	29
<b>5. Шавкатжон Жумаханов, Абдуқодир Тошпўлатов</b> МАРКАЗИЙ ОСИЁДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН МИЛЛИЙ-ҲУДУДИЙ ЧЕГАРАЛАНИШНИНГ ТАРИХИЙ-ГЕОГРАФИК ТАҲЛИЛИ.....	35
<b>6. Гулчехра Раҳимова</b> ЎЗБЕКИСТОНДА 1940-1980 ЙИЛЛАРДА САНОАТЛАШТИРИШ СИЁСАТИНИНГ ОҚИБАТЛАРИ.....	51
<b>7. Алексей Грицина, Комил Раҳимов, Омон Мамиров</b> ЎРТА АСР ХОВОС ОШХОНА ИДИШЛАРИГА ТАВСИФ.....	59
<b>8. Шохжаҳон Рашидов</b> АМИН НИЁЗОВ СИЁСИЙ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР.....	65
<b>9. Озодбек Раджабов, Ҳамза Қаландаров</b> XIX АСР БРИТАНИЯ ТАШҚИ СИЁСАТИДА “КАТТА ЎЙИН” МАСАЛАСИ ВА УНИНГ ИНГЛИЗ ТАРИХШУНОСЛИГИДА ЁРИТИЛИШИ.....	72
<b>10. Равшан Сиддиқов</b> ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ (1991-2016 ЙИЛЛАР).....	78
<b>11. Сарвар Қулдашев</b> МАҲМУД КОШҒАРИЙНИНГ “ДЕВОНИ ЛУҒОТИ ТУРК” АСАРИДАГИ УНВОН ВА ЛАВОЗИМЛАР ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.....	91
<b>12. Sadoqat Xo'ja yorova</b> XVIII-XIX ASRLARDAGI ROSSIYA IMPERIYASI VA QO'QON XONLIGI DIPLOMATIC ALOQALARINING TARIXSHUNOSLIKDA YORITILISHI.....	98

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

**Шухрат Салайдинович Бозоров,**  
Самарқанд давлат чет тиллар институти  
Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси  
bozorovshuxrat1988@gmail.com

## АХМАД ДОНИШ МАЪРИФАТПАРВАР ВА ЖАМОАТ АРБОБИ

**For citation:** Shukhrat S. Bozorov, AHMAD DONISH IS A PROGRESSIVE PUBLIC ACTOR, DISTRIBUTOR OF ADVANCED IDEAS AND KNOWLEDGE. 2020, vol. 8, issue 3, pp.29-34

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-8-4>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Аҳмад Донишнинг маърифатпарвар бўлиб, етишиш йўлидаги сай-харакатлари, ўз замондошлари томонидан мутафаккир ҳақида билдирган фикрлари, хусусан шогирдлари томонидан устозининг нақадар билимли ва ақлли эканлигини хотираларида акс этган. Жумладан, Айний Донишни ҳамиша улуғлаган ва уни ўзининг маънавий устози деб танлаган эди. Бундан ташқари жамият таракқиётини ривожлантириш йўлида ўзининг ўткир ғоялари билан машҳур бўлган Аҳмад Донишнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари ҳам келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** Аҳмад Дониш, Садриддин Айний, “Ажойиб одам”, “Аҳмад Махдум”, Аҳмад Калла, бош хатот, Фузулий ғоялари, Амир Музаффар, делегация, мусаввир, Петербург.

**Шухрат Салайдинович Бозоров,**  
Преподаватель кафедры общественных наук  
Самаркандского государственного  
института иностранных языков  
bozorovshuxrat1988@gmail.com

## АХМАД ДОНИШ - ПРОГРЕССИВНЫЙ ОБЩЕСТВЕННЫЙ ДЕЯТЕЛЬ, РАСПРОСТРАНИТЕЛЬ ПЕРЕДОВЫХ ИДЕЙ И ЗНАНИЙ

### АННОТАЦИЯ

В этой статье просвещение и стремление Ахмада Дониша к росту, его взгляды на мыслителя современниками и особенно знания и мудрость его учителя его учениками отражены в его мемуарах. В частности, он всегда прославлял Айни Дониша и выбирал его своим духовным учителем, а также цитировал социально-философские взгляды Ахмада Дониша, известного своими острыми идеями о развитии общества.

**Ключевые слова:** Ахмад Дониш, Садриддин Айни, «Чудесный человек», «Ахмад Махдум», Ахмад Калла, каллиграф, идеи Физули, Амир Музаффар, делегация, художник, Санкт-Петербург.

**Shukhrat S. Bozorov,**  
Lecturer at the Department of Social Sciences,  
Samarkand State Institute of Foreign Languages  
bozorovshuxrat1988@gmail.com

## **AHMAD DONISH IS A PROGRESSIVE PUBLIC ACTOR, DISTRIBUTOR OF ADVANCED IDEAS AND KNOWLEDGE**

### **ABSTRACT**

In this article Ahmad Donish's enlightenment and aspirations for growth, his views on the thinker by his contemporaries, and especially the knowledge and wisdom of his teacher by his students are reflected in his memoirs. In particular, he always glorified Ayni Donish and chose him as his spiritual teacher. He also quoted the socio-philosophical views of Ahmad Donish, who was known for his sharp ideas on the development of society

**Index Terms:** Ahmad Donish, Sadriddin Aini, “Wonderful Man”, “Ahmad Makhdum”, Ahmad Kalla, calligrapher, Fuzuli's ideas, Amir Muzaffar, delegation, artist, St. Petersburg.

### **1. Долзарблиги:**

XIX аср ўргалари XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги вазиятни ёритиб беришда Аҳмад Донишнинг хизмати катта бўлиб, у ўз ўтмишдошларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий–хуқуқий, хусусан фалсафий ғояларини ўрганиб чиқди ва яхлит ҳолда умумлаштирди. Ўрта Осиёдаги маърифатпарварликни янги bosқичга кўтариш учун ҳаракат қилди. Ўрта асрдаги ижтимоий муносабатлар Бухоро амирлигидаги қолоқликнинг асосий сабаблардан бири эканлигини, бунга йўл қўймаслик ва унинг олдини олишдаги аҳамиятини ҳаётнинг ўзи исботлаётганини кўрсатишга ҳаракат қилди. Аҳмад Дониш яшаган давр иқтисодий ҳаётида мулкӣ муносабатлар, хусусан ер эгаллиги, унинг ўзига хос хусусиятларига шариат қонунлари ва ҳуқуқшунослиги мослаштирилган эди.

Аҳмад Дониш даври маърифатпарварлиги, хусусан Бухородаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, унинг меҳнаткаш халқ руҳиятига таъсирини ўрганиш, миллий ўзликни англашда, тарихимизни ўрганишда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун шу замин фарзанди бўлган Аҳмад Донишдек буюк сиймонинг ҳаёт йўли ибратлидир.

### **2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:**

Мақолани ёритишда давлатимиз ва хориж олимларининг асарларидан фойдаланган ҳолда кўплаб маълумотлар келтириб ўтилган. Жумладан, Раҳмон Муиний “Аҳмад Дониш ҳаёти ҳақида”, С.Раупов “Наводир ул вақоода адолатли шоҳ муаммоси”, С.Айний “Эсдалиқлар” А.Дониш “Рисолаи мухтасаре аз тарихи салтанати хонадони Манғития”, Т.Е.Раҳмонов, И.Мўминов “Ўзбекистон ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихидан лавҳалар”, М.З.Орзиевнинг “Икки тарихий сиймо”, А.Раззоқовнинг “Иқтисодий тафаккурлар сарчашмаси”, А.Донишнинг “Наводир ул вақоо” асарларидан фойдаланилган бўлиб, бундан ташқари монография, дарслик, ўқув қўлланмалари ва илмий мақолалар атрофлича таҳлил қилинган.

### **3. Тадқиқот натижалари:**

XIX асрнинг ўргаларида Ўрта Осиёда ижтимоий – иқтисодий тузум қолоқ, фуқаролар турмуш тарзи ўта паст, маданий-маънавий ҳаётда ислом дини пешволарининг таъсири кучли эди. Шундай ҳолатда ислохотчилик ва маърифатпарварлик янги фалсафасининг шаклланишида қомусий билим соҳиби, табиий ва аниқ фанларни чуқур билиши туфайли муҳандис деб улуғланган Аҳмад Дониш алоҳида ўрин тутди. Аҳмад Дониш ёки Аҳмад Калла деб ном қозонган Аҳмад ибн Мир Носир Юсуф ал-Ханафий ас-Сиддиқий ал-Бухорий 1827 йилда Бухоро шаҳрида туғилган.[4,С.322] Садриддин Айний ўз “Эсдалиқлар”ида Аҳмад Донишни: “1826 йилда Бухоро шаҳрида Мулла Мир Носир хонадонидида таваллуд топди ”деб таъкидлайди. Аҳмад Дониш ва у билан боғлиқ маълумотларнинг кўпчилиги Садриддин

Айнийнинг “ Эсдаликлар ” китобининг “Ажойиб одам ” қисмида алоҳида ўрин эгаллаган.[2,С.87]

Дониш Бухоро мадрасаларидаги таълимни ислоҳ қилиш ғоясининг XIX аср иккинчи ярмидаги энг ашаддий тарғиботчиси, амалиётчиси, кўркмас ва жасур тарафдори бўлиб майдонга чиқади. У яшаган шаҳарда мутаассиблик кучли бўлган чоғда шижоатли қадам кўйиш учун ўша давр ижтимоий – сиёсий ҳаётида катта мавқе ва таъсирга эга бўлиш керак эди.

Аҳмад Дониш ана шундай салоҳиятга эга эди. У мадраса муллаларининг унга қарши бирлашиб исён кўтаришларини биларди. Муллалар, эшонларнинг зодагонлар ва амалдорлар билан умумий манфаатлари ягоналигини яхши англари эдилар. У ўз замонасининг ана шундай мутаассиблик ботқоғига ботган кучларига қарши бош кўтарди.[6.С.32 ]

Бу ҳақида Садриддин Айний Аҳмад Донишни мухолифлари ва душманлари ҳар жиҳатдан таъкиб этганлари ва уни Дониши Калла, шайтоннинг дўсти ва мунофиқдир, унга эргашганлар ҳам тўғри йўлдан озган ва шайтонга эрк берган ҳисобланадилар, деб таҳқир этардилар. Лекин Айний Донишни ҳамиша улуғлаган ва уни ўзининг маънавий устози деб танлаган.[5.С.202]

Айний устози ҳақида бу одам новча бўйли бўлиб, оддий одамлар кийганда ерга тегадиган подшоҳлик банорас чопони унинг тиззасидан келар эди. Бу кишининг гавдаси тўлиқ бўлганидан бўйининг новчалиги унча сезилмас ва бир қарашда ўрта бўйли одамлардай кўриларди. У одамнинг боши ҳаддан ортиқ катта бўлганидан унга “Калла” деган лақаб берилганлигини, одамлар уни “Аҳмад Махдум”, “Аҳмад Махдуми мунажжим” ёки бутунлай қисқартириб “Аҳмад Калла” деб юритар экан. Аммо ўзини ҳазил билан “Аҳмади Порина ”(ўтган йилги Аҳмад) деб ва “Одамлар мени не десалар десинлар, мен ҳамон Аҳмад Поринаки будам, ҳастам” (Мен ўша бултурғи Аҳмадман, ҳозир ҳам ўшаман) дер экан.

Мазкур фикрларни давом эттириб, “Бу кишининг кўлида русча ҳасса (палка) бор эди. Палка одатда ўрта бўйли одамларни назарга олиб ясалганидан, у палка новча одамга бир мунча қисқалик қилар ва у йўл юрганда қадди палка тутган қули томонга қараб бир оз эгиларди. Бу одам саллона-саллона виқор билан қадам босиб мадраса дарвозасидан кирганда, миёнсаройда ўтирган мадраса катталари жойларидан туриб, қўл ковуштириб таъзим билан салом берардилар” - деб ҳам таъкидлаб ўтади.[8,С.204]

Аҳмаднинг онаси ўз уйида қишлоқ қизларига отинойилик қилиб сабоқ берган. Бу ҳақида Аҳмад Дониш :“Мақтабга боришимдан олдин оиламиздаги бошқа болалар қатори опамдан алифбони ўргандим, ўқиш ва ёзишни, ҳатто кўшиқларни тартибга солишни ўргандим. Лойсувоқ деворга қалам билан геометрик шакллари солиганимни аниқ, эсламан ” деб,- қайд этиб ўтган.

Аҳмад Донишнинг отаси ўз ўғлини Қуръони Каримнинг билимдони ва ҳофизи бўлишини истаб, у 9 ёшга тўлганда мусулмон мактабига ўқишга берган. Аҳмад болалигидан тили тутилиб гапиргани учун Қуръони Каримни ёдлашга қийналган, шундай бўлса-да, уч йилда у бу китобни ёд олган.

Бу ҳақида кейинчалик Аҳмад Дониш ўзининг “Рисола дар назми тамаддун ва таовун” асарида: “Қуръони каримни ёдлашдан мен унча хурсанд эмас эдим: бир қисмини қийналиб ёдлагач, иккинчи қисмига ўтар эдим. Баъзан эринчоқлигим сабабли бир қисмини бир варақ қоғозга ёзиб олиб, домладан яширинча ўшандан ўқиб берардим. Нима бўлганда ҳам, мен кўнглимдаги ўжарликни суғуриб ташлай олмадим ва ниҳоят катта қийинчилик билан Қуръони Каримни уч йилда ўзлаштириб олдим. Албатта, Қуръони Каримдек муқаддас китобни уч йилда ёдлаб олиш учун ҳам катта иқтидор эгаси бўлиш керак”, - деб эслаб ўтади.

Ёш Аҳмад илк таълимни онасидан ўргангач, 1836-1841 йиллар оралиғида ўғил болалар мактабида ўқиди. 1841 йилдан бошлаб мадрасада таҳсилни давом эттирган. Мазкур даврда мадрасада таълим 16-19 йил давом этган. Шундан 8 йили араб грамматикасини ўрганиш, қолган 11 йили эса ислом дини руҳсати билан табиий фанлар, риторика, мантиқ ўқитиларди. Бухородаги мактаб ва мадрасаларда билим олиб, ўз даврининг илғор олими ва мутафаккири даражасига кўтарилди. Аҳмад Донишнинг мадрасада ўқиган йиллари сермахсул бўлди,

билимга чанқоқ талаба мадрасадаги олган билим билан кифояланмай, риёзиёт, фалакиёт, адабиёт, мусиқа, меъморчилик, тарих ва фалсафа билан ҳам шуғулланди. Дониш шарқ шоирлари ва мутафаккирларининг асарларини ўқиб, ўзида янги маълумотлар оларди. Хусусан, Фузулийнинг озарбайжон - турк тилида ёзилган шеърларидан олган парчалари жуда кизиқарлидир. Бу эса Донишнинг Фузулий ғоялари, унинг астрономия ҳақидаги фикрлари билан кизиққанлигидан далолат беради [3,С.177]. Мадраса мударрисларининг унга бераётган таълими уни қониқтирмас, у Бухоро шахрида яшаса ҳам ота-онаси билан ўз ҳовлисида турмас, отаси ижарага олиб берган хужрада туну-кун китоблар устида ишлар эди. Мадраса таълими хусусида Аҳмад Дониш шундай ёзади: “Бухоро мадрасаларида мактаб талабаси учун керакли фанларни ўқитиш ёмон даражада бўлган. Дарс бериш усуллари ҳам эскирган эди”, - деб маълумот беради. Фалсафий, ижтимоий-сиёсий, бадий масалалар билан бирга табиий фанларни айниқса, астрономия илмини ўрганишга катта этибор беради ва астрономияга оид асарлар ҳам ёзади.

Аҳмад Дониш ҳали мадрасада таҳсил олаётган даврида отаси Мулла Носир бухоролик таниқли муҳандис Бобомеъмор ҳузурига шогирдликка олиб боради. Аҳмад Донишнинг хотирлашича, Бобомеъмор вафот этгач, амир Насруллоҳон уни сарой бош меъмори вазифасига тайинлаб, “Махдум” унвонини беради ва 1000 дирҳамлик ойлик маоши белгилайди. Шундан кейин сарой қурилишида иштирок этган барча муҳандис ва усталар фаолиятига раҳбарлик қилган.

Аҳмад Дониш ўз даврининг қомусий тафаккурга эга бўлган шахсларидан бири эди. У барча илмларни пухта эгаллаган ва санъатнинг барча турларини биладиган юксак маҳоратли олим бўлиб етишган. Унинг бу фазилатларини ҳатто уни кўра олмайдиган душманлари ҳам эътироф этардилар. Рассомчиликда уни Бехзод ва Монийдан устун қўярдилар [5,С.91].

Донишнинг манғит амирлари саройида катта лавозимда ишлаши, Бухоро амири ва вазирлар билан танишиш, ҳукмдор тоифанинг турмуш тарзини билиш учун яна бир имкон бўлди. Бу ҳақда унинг ўзи: “Ҳарбий тоифа билан менинг танишиш ва мулоқотда бўлишим, хуснихат эгаси бўлишим заминидан бўлдим” каби фикрлари орқали ифодалаб ўтилган.

XIX асрнинг 50 йиллари ўрталарида Амир Насрулло саройига бош ҳаттот ва мусаввир сифатида хизматга кирган. Аҳмад Дониш бу ердаги муҳит унинг адолатли давлат тузуми ҳақидаги тасаввурларига тўғри келмагани учун ўз ихтиёри билан сарой хизматини тарк этади. Қўшин ва ҳукмдорларга хизматда тартибнинг йўқлиги унга оғир ва самарасиз туйилади. Чуқур билимини ҳисобга олиб, Бухоро амирлари уни уч марта (1857,1869,1874) Россияга жўнатилган элчилар таркибига қўшадилар. Аҳмад Дониш Петербургда биринчи марта бўлганда Бухоро амирлигининг делегацияси Николай II вафоти муносабати билан Бухоро амирлигининг таъзияномаси билан табрикномасини топшириши лозим эди. Бу делегацияда котиблик вазифасини ҳам ижро этади. Аҳмад Дониш Петербургда ўша вақтда Бухорога қараганда ривожланган мамлакатга қилган сафарлар унинг ҳукмрон доираларга бўлган муносабатини янада кескинлаштирди. Чунки у бошқарув шакллариининг эскирганлиги ва қолоқлиги сабабларини англаб етган эди[9,С.149].

Мутафаккир Петербург ҳамда Москвада кўрган-кечирганлари ҳақида махсус рисола ёзган. 1874 йил февраль-март ойларида Россияда чиқадиган “Голос”, “Новое время” газеталарида унинг билим-савияси ва сиёсатдонлиги таърифланган фикрлар босилган эди.

Европа маданияти, илм-фан соҳасидаги ютуқлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлиши, мутафаккир дунёқарашида катта бурилиш ясади ва ўз таассуротлари таъсирида Бухорода мавжуд тартибларни ислоҳ қилиш лойиҳасини олға сурди. Бу эса Амир Музаффариддиннинг (1860-1885) норозилигига сабаб бўлади ва Амир Аҳмад Донишни Ҳузарга қози этиб жўнатади.

Аҳмад Дониш халқ ва давлат, ҳокимият ва юртнинг таназулдан қутулишини ўйларди. Шу боис у жоҳил, нодон ва аҳмоқ кимсаларни давлатдан ҳимоялашга уринмаганидек, ичдан чириб, бузилиб кетган давлатнинг одамлар ҳаётида бирор ўзгариш қилиши ҳақида сўзлашни ҳам истамасди. Унинг биринчи орзуси ахлоқ ва тафаккур эди. «Наводири Зиёия» тазкираси муаллифи, олим ва маърифатпарвар Садри Зиёнинг эътирофича, - “Аҳмад Дониш бутун

умрини амир, вазир, қозикалон ва бошқа амалдорларни келажакдан огоҳ этиш, оддий одамларга зулм ўтказмасликка чорлаш, уларни зўравонлик, бераҳмлиқдан қайтаришдек эзгу ишларга сарфлаган лекин жамият ҳаётида бирон бир ўзгариш кўрмаган” .

Аҳмад Дониш Бухорода илмни ҳамда маърифатни ривожлантириш учун фидокорлик қилди. Бу эса унинг дунёқароши ўсиб борганидан далолат беради. Бухорода Шарифжон Махмуд деган маҳалла зиёлиларни қўллаб қувватлайдиган сарватли одам ўз ҳовлисида турли зикр ақидаларига эга бўлган илғор шоир ва уламоларни тўплаш эди. Ушбу мажлисларда Аҳмад Дониш раҳномалик қиларди.

Аҳмад Дониш ўз ҳовлисида ҳам илмий-адабий кечалар ҳафтанинг чоршанба, пайшанба, жума кунлари шогирдлари ва яқинларини тўплаб суҳбатлар ўтказган. Шеърлар ўқишни ташкил қилган. Айтиш мумкинки, мана шу кечаларга сиёсий тус ҳам берилиши Бухородоги маорифпарварлик ҳаракатига тамал тоши бўлиб хизмат қилди. Давра суҳбатларида давлат таълими тизими, бошқарув соҳасини ўзгартириш каби мавзуларда мунозаралар қилинган.

Аҳмад Дониш бу суҳбатларда “Олимлар Қуръони Карим сураларини ёддан билиб, ўзларини фаннинг тепасида ўтиргандай ҳис қилишади. Араб алифбоси бу фаннинг тепаси эмас”, -деб ёзади. Унинг бу каби фикрларини чуқур ҳурмат қилган ва давом эттирган бир қанча шогирдлари бўлган. Улардан энг каттаси Садриддин Айний эди. Шундай бўлса ҳам, Айний Донишни кўриш ва кузатишдан, айниқса Донишнинг Ҳамидбек, Файзбек, Қори Неъмат ва башқа доимий суҳбатдошларининг жонли ҳикояларидан олган таассуротлари, хусусан устози асарларини ўқиш натижасида кўп нарса ўрганган ва маънавий озиқланган. Аҳмад Дониш Амир Музаффар саройида давлат арбоби даражасига кўтарилгач, тез-тез Шофиркон, Вобкент, Гиждувонга сафарлар қилган.

У бу сафарлар чоғида юртнинг сувсизликдан қийнаётганини кўриб, Бухоро экинзорларининг сатҳини Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёлари сув оқими бўйича таҳлилий ўлчовларини амалга оширган ва Амударё сувини канал қуриш йўли билан Кармана орқали Бухоро экинзорларига келтириш лойиҳасини ишлаб чиққан. Шунингдек, олтин конларни аниқлаб халқ ва мамлакат ободончилиги учун сарфлашни амирга маслаҳат беради[5].

Лекин бу лойиҳалар Амир Музаффар томонидан рад этилган. Бу лойиҳа Аҳмад Донишнинг узоқни кўра олгани ва ҳозирги Аму-Бухоро канали лойиҳасининг илк асосчиси эканлигини кўрсатади. Турли мамлакатларда бўлган Аҳмад Дониш Амир Музаффар ўлимидан сўнг Бухорога қайтади ва 1897 йили вафот этади.

#### **4.Хулосалар:**

Аҳмад Донишнинг ҳаёти, ижоди ва ижтимоий-сиёсий фаолияти ўз даврида ҳам вафотидан сўнг ҳам ҳар қандай соғлом фикрли кишилар диққатини ўзига жалб этган. Аҳмад Дониш филологлар, тарихчилар, файласуфлар ва умуман илм-фан аҳли учун ҳайратланарли даражадаги шахс ҳисобланади. Аҳмад Дониш ўзининг илмий салоҳияти, донолиги, кўп фанларни билиши, хусусан, унинг фалакиётшунослиқдаги машҳурлиги, энг аввало, унинг ажойиб инсоний хислатлар эгаси эканлиги Бухорода илм аҳли уни ўзларига устоз деб, тан олиншига олиб келди .

Аҳмад Дониш мамлакатнинг сиёсий тараққиётида муҳим аҳамият касб этиши лозим бўлган Давлат Кенгаши ташкил этиш масаласини ҳам алоҳида қайд этиб ўтган. Бу кенгашда аҳолининг барча табақаларидан вакиллар киритиб, давлат аҳамиятига молик барча ишларнинг мазкур кенгаш орқали амалга оширилиши яхши натижалар бериши мумкинлигини ҳам қайд этган. Бу каби қарашлар амирлик бошқаруви даврида муҳим сиёсий силжиш учун хизмат қилган. Аммо бу фикрлар олимнинг сиёсий таъқибларга учрашига сабаб бўлган. Бухоро амирлигининг ҳукмдорлари ва улар юритган бошқарув сиёсати хусусида Аҳмад Дониш мамлакатда адолатсиздик, иқтисодий қийинчиликни ўрганиш ва унга чора кўриш йўқлиги ҳақида куйиниб гапириб, подшоҳни халқ манфаатларини кўзлаб сиёсат юритишга ундашга ҳаракат қилган. Амалдорларнинг лаганбардорлик ва очкўзликларини жуда қаттиқ қоралаган. Аҳмад Донишнинг илмий меросини ўрганиш орқали биз жуда кенг маълумотларга эга бўламиз.

**Иқтибослар/Сноска/ References**

- [1] Аҳмад Дониш. Наводирул-вақое. –Т.: Фан, 1964.( Ahmad Donish. Navodir ul-vaqoe. – Т.: Science, 1964)
- [2] Воҳидов.Р., Маҳмудов.М. Устоз Садриддин Айний сабоқлари. –Т.: Фан, 2004. (Vohidov.R., Mahmudov.M Ustad Sadriddin Aini saboqlari. – Т.:Fan, 2004)
- [3] Мўминов И.Ўзбекистон ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихидан лавҳалар. Тошкент: Фан,1999.(Muminov.I. Excerpts from the history of socio-philosophical thinking of Uzbekistan. –Tashkent: Fan, 1999)
- [4] Маънавият юлдузлари. Хайруллаев.М.М таҳрири остида. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999.( Stars of spirituality. Edited by Khairullaev.M.M. – Tashkent: People's Heritage Publishing House named after A. Qodiriy, 1999)
- [5] Рачабов З. Ш. Маорифпарвар Ахмади Дониш. – Душанбе: Ирфон, 1964.( Rachabov Z. Sh. Educator Ahmadi Donish. – Dushanbe: Irfon, 1964)
- [6] Раҳмонов .Т.Е., М.З.Орзиев.Икки тарихий сиймо. –Бухоро, 2015. ( Rakhmonov T.E, Orziev M.Z. Two historical figures. –Bukhara, 2015)
- [7] Раҳмон Муиний. Аҳмад Дониш ҳаёти ҳақида. –Бухоро, 2007.(RahmanMuini. About the life of Ahmad Donish. –Bukhara, 2007)
- [8] СадриддинАйний.Танланганасарлар. –Т.:Бадий адабиёт, 1965 (Sadriddin Ayni. Selected Works. –Т.: Fiction, 1965)
- [9] Фалсафа. М.Ахмедова таҳрири остида. –Т.;2006.( Philosophy. Edited by M.Akhmedova. – Т., 2006).
- [10] Ҳаққул И.Аҳмад калла. Бухоро мавжлари журнали. 2009 йил 1-сон (Haqqul I. Ahmad kalla. Bukhara waves magazine. Issue 1, 2009).

## **ЎТМИШГА НАЗАР**

**3 ЖИЛД, 8 СОН**

## **ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

**ТОМ 3, НОМЕР 8**

## **LOOK TO THE PAST**

**VOLUME 3, ISSUE 8**

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000